

Мурун Абдуллаев

# ҚУДИ ПАРТУ



УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)7 -

А - 43

Али Турсун.

Қуш пати: шеърлар, достонлар, таржималар/  
Турсун Али. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. 112 б.

ISBN 978-9943-27-203-3

Бутунги ўзбек шеъриятида ўзига хос овозга —  
ранглар оҳангларига, оҳанглар рангларига ўз қалами  
қадар содиқликда ижод этиб келаётган таниқди шоир  
Турсун Алиниң ушбу "Қуш пати" тўпламида она  
Ватан манзаралари, инсон руҳий оламишинг ёрқин ва  
эзгин ҳолатлари кўнгил рангларида, ҳарорат билан  
муҳр этилган десак, хато бўлмас.

Ўйлаймизки, азиз шеърхон, Шеърга — Кўнгилга  
— Ўзликка элтувчи ушбу манзумалар, шубҳасиз,  
юрагингиз мулкига айланажак!

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)7

*Муқолага Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
санъат арбоби Ортиқали Қозоқовнинг  
«Адашган ой» асаридан фойдаланилган.*

---

# ШЕРПАР

---

*Тунни дарё каби  
кечмоқдаман*

---



\* \* \*

Бедапоя. Ёлизоёқ йўл.  
Дил тоқида камалак туйғу.  
Узатсам гар даラларга қўл.  
Қушлар қўнгай билмайин қўрқув.  
Бу ерга ёт эмасман, ахир.  
Киндик қоним тўкилган, зотан.  
Софинчимдан чирсиllар бағрим —  
Мен кўз очган интизор ватан.

2013



\* \* \*

Шаҳар чеккасида ястанган дала,  
Фозлар пастлаб учиб чулдирап мөхрин.  
Энтикиб бунда мен хиргойи айлаб,  
Дилимни булбулдай сайратгум бетин,  
Эҳ, бу гўшада умр ҳам узаяр сокин.

2013



\* \* \*

**Сокин ҳишлоқ.**

Болалигим кўчасида буришган дараҳт,  
Қақшаган бармоқлар каби  
Қовжираган новдалари унинг.  
Шамол елкамда чайқалар унсиз,  
Билмадим, мункайган дараҳт пойида  
Ҳориган одамдек ўлтирдим узоқ.  
Негадир дараҳтдан айрилиш  
Оғир ботди менга қадим дард мисол.

**2013**



\* \* \*

Эски зовурларда қамиш шовуллар куйдай,  
Уватларда  
Тутлар чангал очар эрк қўшиғин куйлаб.  
Зотан,  
Момо дааларнинг сепидир улар.

2012



\* \* \*

Тун... Адир томонларда  
Шамолдай изғишиб улир чиябўрилар.  
Қулоғи дик итлар ўшқириб ҳурагар...  
“Нотаниш, ёт эмас, чиябўрилар” дея  
Парво ҳам қилмайди адир ортидаги қишлоқ.

2013



\* \* \*

Хайрият, чиқдинг қор остидан,  
Нақадар нафасинг илиқ.  
Кел,  
Құлингии бер, бойчечак —  
Кетдик болалик күнларга, ҳой, қизалоқ.

2012



\* \* \*

Овозинг нақадар сулув,  
Баҳорга бағишилар тароват.  
Ҳаттоқи  
Малаклар қошингда  
Товуш чиқаролмас,  
Ҳей, какку.

2012



\* \* \*

Сен юракни тинглайсан безабон,  
Оловга вужудингни отасан унсиз.  
Сўнгра,  
Яна кимсасиз кулбадай  
Бўм-бўш юрак сари учасан, Қақнус.

2013



\* \* \*

**Оқшом сокин қанот ёймоқда.  
Тун қаърига сингадир Борлиқ.  
Шукр, осмон бағридан  
Нур ёғилмоқда  
Олтин мисол сап-сариқ.**

**2013**



\* \* \*

Сукунатзор атиргулдай портлади,  
Ў, унинг овози гулдан-да гўзал.  
Гулдан-да нафис.  
Мен овозга қулоқ бердим,  
Қучоқ бердим,  
Бердим ўзимни.

2013



\* \* \*

Ташқарида юрақдек дукиллар сөк товуши,  
Қарасам,  
Қайғадир шошиб  
Кетиб бормоқдадир бир жуфт этигим.

2012



\* \* \*

*Нуруллоҳ Мұҳаммад Рауфхонғо*

Борлиққа бир ғаройиб туман чўккан,  
Атрофда одам борми, эҳ, одам?  
Кўринмас ҳеч ким.  
Одам борми?  
Юрак оламида қўрқинчу алам.  
Эй, воҳ,  
Бу қандай дунё?  
Сезмаса,  
Билмаса,  
Кўрмаса  
Одамни одам...

*2012*

\* \* \*

Ёруғ кун  
Ит ҳуарар бетин.  
Боравердим унга қасдма-қасд.  
Қадамларим тоғ каби вазмин,  
Йўл юришдан толмадим бирпас.  
Тинган селдек —  
Ит тинди ҳорғин.  
Мен юрақдек  
Тинмадим бироқ.  
Манзил ойдек  
Кўринар ёрқин.

2013

• • •

Куппа-кундуз ўзимни адаштиридим мен,  
Йўлим чалкаш.  
Олдинда ҳадикли кўча.  
Кипригимга қўнмоқда юлдузсиз кеча.  
Ҳайқираман овозсиз — ким бор?  
Эҳ, ким бор?..  
Товушимга чирмashiб  
Шамол янглиғ еламан  
Руҳим сарҳадлари аро.

2012



\* \* \*

Шамол игна санчар кўзимга,  
Шамол гувранади кўксимда.  
Эшигингни оч, эй, қалдирғоч.

Наҳот, қалдирғочим, тингламайсан сен,  
Ўтинчим пат мисол тўзғир ҳавода.  
Момақалдироқ, чақмоққа дўнап овозим.

Қалдирғочим, қўлим кўқда муаллақ,  
Мени чирмовуқдай чирмаб ол.  
Ҳали, баҳт сари учамиз фалакка.

2013



## ЁМФИР...

1. Шаҳарни қиличдай кесган анҳор кўприги  
Темир панжара — бармоқларига суяниб,  
Ёмғир хивичлари остида жимжит,  
Тикиламан шовқинли сувга —  
Ҳис этиб ўзимни ёлғиз.

Ёмғир ёғаётир, руҳимда аланга,  
Қандайдир исмсиз куй ўртар бағрим.  
Шояд эсон-омон етолсам тонгга,  
Зиёрат этгайман онам қабрини.  
Ёмғир ёғаётир, руҳимда аланга.

Шовуллаб ёғаётган ёмғир оралаб,  
Бормоқдаман ёмғир симларига  
Илиниб-илишмай.  
Уфқдаги камалак янглиғ нур тараб,  
Ёмғирзор сўнгида  
Жунжикар руҳимда оҳу мисол фаришта.

Оқшом. Ёмғир қорга айланар шаксиз,  
Ҳали манзил Сомон йўлидай узоқ.  
Йўл юряпман ортимдан қолдириб из.  
Жилдираган сувга боқиб тинмоқда тинка.  
Бироқ  
Бу ҳолат мусаввир сувратидан йироқ...

2012

\* \* \*

*Ёмғир ҳам т инмади узун кун...*  
*Рауф ПАРФИ*

2. Куни билан тинмади ёмғир.  
Эзилган очундек эзилди бағрим.  
Ғамгин садо тараалди  
Үтган кунлар қаъридан.  
Кўнгил эса куйлаб —  
Куйлай олмади.

*2012*

\* \* \*

3. Шивалаган ёмрир остида йўловчи,  
Дараҳт мисол ивиб қайга кетмоқда?!  
Ёмрирдай ичимга ёғилар ўкрик,  
Яхшиямки,  
Дараҳт эмас у...

2012



\* \* \*

Зах тортган хонада ўлтиридим руҳсиз.  
Осмон кўз ёшларин тўқди шашқатор.  
Сен ҳам сўз очмадинг ҳатто бир оғиз,  
Гарчанд теграмизда кезса-да баҳор.

2013



\* \* \*

Эй, соҳибжамол,  
Гулга қўнган капалақдек  
Нигоҳимиз тўқнашди.  
Кулдинг ой шуъласидек майин,  
Жарангি урилар, оҳ!  
Юрак чиннисига бўрондек.  
Мен сукунат уммонида  
Қулочни кенг отолмай  
Тўлқинлар қаърида қалқидим, узок...

2012

\* \* \*

### *Дурданага*

Уйқум қочди.  
Бутун Ялдо кечаси,  
Гулруҳ, кўзларимда бўлдинг намоён.  
Ҳижронларга тўла умрим кўчаси  
Сенинг-ла учрашган кезлардан буён.

Ёдим оламидан кетмайсан йироқ,  
Эгнингда оқ либос, гўё капалак.  
Шодлик гулзорига симайсан не чор.  
Мен кимни учратдим,  
Рўёми, фалак?

Толғин юрагимни тингладинг бир зум.  
Бахш этдинг муҳаббат,  
Фаройиб сурур.  
Мен шошқин дунёга тикиламан жим,  
Рұҳимда уйғонган ёшлигим — ғуур.

2013

## **СОКИН ҲАЁТИМДА ОЧИЛГАН ЧЕЧАК**

*Оксанаага*

1. Умрим йўлларида учратдим сени,  
Ҳей, соҳиби ташлаб кетган чиннигул.  
Сарғайган юзларинг куйдирди мени,  
Ақл-ҳушим, боримни йўқотдим буткул.

Қаршинигдан кетолмай ҳаяллаб узоқ,  
Қуёшдайин сочдим қайноқ меҳримни.  
Тилимиз қутбдай йироқдан-йироқ,  
Сенга бахш айладим ажиб сеҳримни.

Чангли юзларингга босдим қақроқ лаб,  
Томиримда жўшди дengиз мисол қон.  
Музлаган вужудинг ёниб, эркалаб,  
Қучорингга сингдим дилда ҳаяжон.

Фалак каби соҳир қалб соҳибаси,  
Сенга мен запижирбанд эрурман мангу.  
Эй, сен соҳибжамол — севги бекаси,  
Менга бахш этгайсан гулистон туйғу.

\* \* \*

2. Кўксимдан надомат, ўкинч чекинди,  
Зулматга чўккандай бир ҳовуч олов.  
Кексалик сояси қайга беркинди?  
Руҳимда туйғулар тўлқиндай асов.

Кўзларимда дунё мисли келинчак,  
Қучаман борлиқни ютоқиб, ёниб.  
Эй, қалбим боғида уйғонган чечак,  
Хушбўй юзларигга боқай қувониб.

Йўқ, балки рўёсан, балки ҳазин туш,  
Сокин ҳаётимда очилган чечак.  
Бағрингга бош қўйсам телбадай беҳуш,  
Қиқирлар, нурланар бу олам бешак.

Дунё елаётган умр араваси,  
У кимгадир армон, кимга — кошона.  
Ҳали обдон тўлмай қисмат тўрvasи,  
Эй севги, қўйнингга сингидим ёна...

\* \* \*

3. Уйингга дарёдек тошиб кираман,  
Энтикиб, эйваниб қарайман ҳар ён.  
Шамол рақс тушғанми — хонанг тўзғиган,  
Гўё ҳамма нарса мунгли, бозабон.

Кулбангни рутубат залвори туттган,  
Сопол тувакдаги гул сўлган иочор.  
Одам борлигини гўё унуган,  
Кезинар атрофда каламуш беор.

Ётоқхона димиқ, ҳавоси бузуқ,  
Илондай чирмашган кўрпалар айқаш.  
Радио ҳам гапирмас, овози юлуқ,  
Ўқсиб тўлиқаман, кўнглим тортар ғаш.

Қорайган бурчакда қоп-қора мушук,  
Юнглари ҳурпайган, тамшанаар тилин.  
Ташландиқ юрагинг уради дук-дук,  
Кўз ёшлар селида юзади дилинг.

Севги, юпатаман сени эркалаб,  
Анвойи сўзларим руҳингга таскин.  
Хонангга Ой ёғду сочар чараклаб,  
Сўнг эшик ёпаман товушсиз секин.

Ҳаёт оқаверар дарёдай бетин...

\* \* \*

4. Муздай қўнғироқни босаман ёниб,  
Остонада яланроҷ хаёл.  
Сен қайдасан,  
Эй, олтин соч аёл?..  
Сени излар соғинч тула кўзларим.  
Пайдо бўлар қаршимда суврат,  
Энгил-боши чайналган унинг.  
Афсус,  
ёлғиз эмас у.  
Ёнида дилдирап икки мовий кўз.  
Орага чўкади сукунат.  
Ажабланмас кўпни кўрган бу Дунё.

Ичкарига етаклар Севги.

2012

\* \* \*

Кеча.

Ётоқхона.

Бурканиб кўрпага

Ётибди эр-хотин.

На аёл сурилар,

На эркак.

Ахир, қора девор ўрталарида,

Тонгга қадар эса йўл тун каби узун.

2013



\* \* \*

Мени англамадинг, англай олмадинг,  
Вужудимда гуриллар олов.  
Совқотган қўлларинг иситиб ол, гулим.

Мен жимгина ёнингдан кетдим,  
Юрагимда йиғлади ўкинч.  
Мен сени йўқотдим, қайдасан гулим.

Сен кеча бор әдинг, бутун эса йўқ.  
Наҳотки, қишдаги дараҳтдек қарахтман?  
Мен ўзимни тергайман ҳамон.

Бир сўз айтдинг ўзинг англамай,  
Менинг қулогимда гулдуради момақалдироқ.  
Оппоқ дунёмни қоплади чипор булутлар...

2013

\* \* \*

Куз ёмнири ивитган дарахт каби мен,  
Эзилдим,  
Эгилдим,  
Толдим.  
Нималардир ёзай дейман,  
О, бироқ, тилим чайналган,  
Дилим қийналган,  
Холсиз қўлим.  
Бунча қаттол бўлмаса ҳаёт?!

2012



\* \* \*

Куз.

Дарахт пойидаман.

Захри ханжар шамол турди.

Тилла япроқларни сочди беармон.

Япроқлар қуйилди бошимга,

Қуйилди елкамга,

Қуйилди ичимга,

Япроқлар пойимга қуйилди.

Энди

Сарғайған ерларни босиб,

Кузни олиб кетажакман оқбош қиш  
қаърига.

2013



\* \* \*

Дарахтлар яланғоч, гүёки хипчин,  
Қуп-қуруқ новдани синдириб,  
Ураман шиддат-ла ўзимни ўзим.  
Қон тирқирап вужудимдан, ох,  
Сап-сариқ,  
қол-қора,  
пушти...  
Юрагимда эса талотум Борлик.

2012



\* \* \*

Совиган ҳавода қуш пати,  
На дарахт,  
На ерга қўнолмас.  
У бошсиз,  
У руҳсиз.  
Қайга борсин, ахир?!  
Ҳавода муаллақ қуш пати.

2013



## **НАКУРТДА КУЗ**

*Носир овчига*

**1**

Тор йўли...

Теграмда куз шамоли.

Пойимда ғичирлар тошлар.

Не ажабки,

Адоги қўринмас йўлнинг ҳам.

Қадам ташлаганим сари,

Бодироқдек унаверар униққан тошлар.

**2**

Тошзор сўқмоқ,

Кўкка ўрлаган.

Кузги бўрондек одимларим дадил, шиддатли.

Қовурғаси синаётган тоғ,

Кўпни кўрган кексадек бузмас пинагин,

Сувайдо дунёга мағурур қарар у.

**3**

Куз тоғларга келади эрта,

Эрта сарғаяди тоғ гиёхлари.

Эрта куйлар куз қўшиғин тоғликлар.

Оқсоқол офтобнинг оқ шуъласида

Яшнаб тебранар

Синикқан арчалар.

4

Куз тоғларда нақадар сокин  
Чўққиларда қовжираган ўт-ўланларнинг  
Чирсиллаган товуши  
Ухлаётган тошларни  
Үйғотади беҳуда...

5

Тоғ этакларида қуриган Накуртсой,  
Қўнжи қум,  
Тошлардан иборат унинг.  
Ғалати,  
Қариган юракнинг тубига дард чўккандек,  
Куз чоғлари  
Сой суви сингаркан тошлар қаърига.

6

Дара бўйлаб бормоқдаман ўқтам. мардона,  
Руҳим осмон сингари баланд.  
Елкамда куз офтоби.  
Эҳ, ёқимли бирам —  
Юзи иссиқ дўстимни эслатади у.

7

Куз офтобидан нур эмган қоялар — шуълазор.  
Қўл узатсан уларга тутгум бемалол.  
О, бундай лаҳзада  
Кўнглим ғубори тарқалгайдир туман мисоли.

**8**

Тоғ ёнғоқлари тепасида куз,  
 Эскирган танаасига вақт солган из.  
 Бирпас пойида турдим уйлар гирдоғида,  
 Қалбим қўрғонига қарсилаб урилди  
 Йиллар шамоли...

**9**

Шабнам чўккан тош бағридан  
 Маҳзун чириллайди ошиқ чигиртка.  
 Балки,  
 Мен каби ёқтирмас  
 У ҳам ёмғири кузни.

**10**

Тоғларда томчилар куз ёмғири,  
 Ўқтин-ўқтин айнир ҳаволар.  
 Кўнгли ярим аёл киприги  
 Ёшлиланган мисол,  
 Тоғлар бағри намланар секин.

**11**

Гарчанд куз,  
 "Қамишли дара" ям-яшил.  
 Даражтлар баланддир чўққилар мисол,  
 Дарада йўқ куздан нишон,  
 Худди ёздек  
 Даражт соясида

Булоқ сувин яйраб ичдим.  
О, табиат мўъжизаси  
Бунчалар сирларга тўла?  
Рухимда ҳайрат шамоли эсадир узок-узок.

### 12

Тоққа шом тўшалар,  
Ён-атрофни қоплайди зулмат.  
Кўксимга қўнади қора қуш — ҳадик.  
Милтираган шам  
Бўрининг кўзига ўхшайди бирам.

### 13

ТОҒ қучори.  
Куз кечаси бўрон уйғонди.  
Қоядан қулади товуши гулдироқ тошлиар.  
Тун бўйи бўрилар санғиди увлаб.  
Бу нотинч кечада  
Диловар мезбоним  
Бурканиб кўрпага ухлар беармон.  
Менинг вужудимни кемирар исми йўқ ҳадик.

### 14

Чўққида осилган ойни  
Қучоқлаб ухласам,  
Куз кечаси  
Қайноқ ҳисларга  
Тўлар эди совқотган бағрим.

**15**

Бу кеча  
 Тоғ қучогида ухладим,  
 Тошларга қўйиб бош.  
 Шунда ватан тошлари ҳам  
 Пар ёстиқдек туюлди менга.

**16**

Чипор тошлар бағрида  
 Куз гиёҳи ўсадир сўлим.  
 Бадани, о, гўзал, расида,  
 Адо бўлдим,  
 Гадо бўлдим,  
 Энди йўқ йўлим.  
 Кун бўйи тик туриб тепада,  
 Офтоб ҳам ўқир қасида.

**17**

Мен тоғларни кездим куздек елвагай,  
 Муз янглиғ шамоллар қайноқ кўксимда.  
 О, қандай ёқимли шамол,  
 Бахш этди юракка  
 Ўтли туйғулар.

**18**

Тоғ...

Синиқ тошда  
 Куз шамолидан  
 Тўзғиб патлари,  
 Мунгли сайрайди  
 Аллақандай қуш.  
 Овози ҳам,  
 Ўзи ҳам,  
 Сўзи ҳам  
 Менга нотаниш.  
 Бироқ,  
 Юрагимга яқин эди ўша қуш.

**19**

Тоғ ошиб ўтдим,  
 Отим ҳориган.  
 Чарчаган кўзимда  
 Куз суврати —  
 Юрагимга инъом этди  
 Маъюс.  
 Гамгин қўшиқлар.

**20**

Дўлана дарахтин силкитади куз.  
 Маржондек мевасин тўкмайди сира  
 Йиллар шамолида чиникқан дарахт.

**21**

Ажаб, куз чорлари қайга беркинаркин  
Тоғ илонлари?..  
Қаршимдаги бутазорга тикилдим узоқ.

**22**

Тоғ сўқмоғи тошзор нақадар,  
Илон изи янглиғ эгри-бугри,  
Ҳаётим йўлига ўхшар бунчалик.

**23**

Куз оқшоми ойдан сут ёғилмокда.  
Бунчалар ҳайбатли Накурт тоғлари?  
Сафарга тизилган түя карвони, ҳойнаҳой.

*2013*



\* \* \*

Бугун кузнинг охирги куни,  
Руҳим тушкун, ёлғизман, мана.  
Мен унуга олмасман уни,  
Кўз ўнгимда мунғаяр яна.

Бугун кузнинг охирги куни,  
Дунё тўла сарғайган хазон.  
Сен қайдасан, дилим тутқуни,  
Вужудимда кезинар армон.

Бугун кузнинг охирги куни,  
Фарёд солар дилда аллаким.  
Осмон тўла қорлар учқуни,  
Термуламан олисларга жим.

Бугун кузнинг охирги куни,  
Музламоқда замин ҳам аста.  
Йўлдош этгум умримга уни,  
Қадамларим куйлар оҳиста.

Бугун кузнинг охирги куни.

2012

\* \* \*

Шамол титкилаган хазонлар ичра  
Бўй таратар олтии раиг беҳи.  
Воҳ, меҳрим қозонди хазон япроғи.

\* \* \*

Шамол соchlарим тортқилар,  
Тунни дарё каби кечмоқдаман.  
Ой эргашар изимдан ҳорғин.

\* \* \*

Сувга чўқдим, ўтда ёндин,  
Адо бўлмадим мен.  
Қаршингда булбулдек турибман, Севги.

\* \* \*

Наҳот, чумолилар изидан юрсам,  
Денгиз мисол мавжланган дунёда ахир  
Ўз кемам бор бўла туриб...

\* \* \*

Энг ёруғ кунларимдан ахтардим сени,  
Ажаб,  
Қора тунларимнинг қаъридан топдим,  
Гулим.

\* \* \*

Во ажаб,  
Севгининг кўзларидек беғубор  
Ойдан-да ойдин қор ёқсан кечা.

\* \* \*

Тилимни тишлийман, сўз йўқ, сўз.  
Кўзимни юмаман, кўз йўқ, кўз.  
Қайда қолдим, ўзим йўқ, ўз.

**2012–2013**



## **ҚИШЛОҚДА ҚИШ КҮРИНИШЛАРИ**

**1**

Түғилған элимда боғлар ҳувиллар,  
Қишиң қилич ўйнатиб ҳукмрон энди.  
Илиқ паноҳ топмай дунё увиллар,  
Юпун кийинган Ой изиллаб сўнди,  
О, қалбимда дардманд оҳанг шовуллар.

**2**

Түғилған элимда юрдим дала бўйлаб,  
Сезгисиз даражатлар шохидаги қўшиқ куйлаб,  
Совқотган қайноқ шаббода қўйнимга кирди.  
Қўл етмас юртларга кўчган қушларни ўйлаб,  
Сукунат домида руҳим ўлиб-тирилди.

**3**

Түғилған элимда кўзимга жо бўлди  
Мункайиб қайгадир кетаётган кекса...  
Йўл бўлса сирпанчиқ, руҳим гули сўлди.  
Шамолдай буралиб борадур ул эса...  
Менинг-чи аянчдан воҳ, юрагим тўлди.

**4**

Түғилған элимни кезиб сайёҳдай,  
Йўлим тушди туйқус қабристон сари.  
О, дўмпайған тепалар бунча кўпайған?  
Гўёки шарпалар оралаб юрдим мотамда,  
Чиқар йўлим тополмай бағрим ютди қон.

**5**

Туғилган элимда кекса ёнроқнинг  
 Қўллари кесилган, соchlари-да йўқ,  
 Ажинли танаси қовжироқ унинг,  
 Гўё адо бўлган — сўнаёзган чўғ.  
 Барибир, булатга уриб турар дўқ.

**6**

Туғилган элимда адашдим тунда,  
 Қай бир дарвозани тақиллатмай, о,  
 Аёл овоз берар юрагин ютиб.  
 Бир қайғу дилимни чулғади, гўё  
 Уйларин эркаклар қўйган унутиб.

**7**

Туғилган элимда дуч келдим  
 Сукунат қаср қурган жойга.  
 Зовурлар, қамишлар, тутлар жим,  
 Асиридир рақс тушаётган Ойга,  
 Мен жимлиқдан қўрқиб ҳайқирдим.

**8**

Туғилган элимдан нени изладим,  
 Тўрт томон кезиндим кўнглимда фироқ.  
 Кимгадир юкундим, кимга бўзладим,  
 Излаганим надир, билмадим, бироқ,  
 Тонмайман, руҳимни ўзим тикладим.

**9**

Туғилған злимда эски ғишт хумдони,  
 Кимсасиз у, мунгли, ҳаробот, ташландиқ.  
 Турфа қуш, дайдиган мушук, ит макони.  
 О, унинг жисми-да талон-тарож, синиқ...  
 Ўтларда ёндири бу ҳолат жонимни.

**10**

Туғилған злимда чироқлар ўйнар,  
 Борлиқни буркайди зимистон парда.  
 Бойўғли кўзидай шамлар милтирас.  
 Тонггача юлдузлар шуъласи далда.  
 Энди Ой ҳам чиммат тагидан қарар.

**11**

Туғилған злимда анорлар кўмилған,  
 Ҳовлиларга қўчган гўёки қабристон.  
 Ҳар жойнинг тупроғи ўрадай ўйилған.  
 Тикилсанг, кўнглингни ваҳм босар бир он.  
 Бунда алвон гуллар туркирар эрта тонг.

**2012**



**ЖИМГИНА ЙИҒЛАЁТГАН ОДАМ**

Кипригингдан дон терар қушлар.

\* \* \*

**Юрагимни гўдак мисол эркалайди ҳуррият.**

\* \* \*

**Нима қилиб қўйдим, кафтимдаги қорни?**

\* \* \*

**Жимгина йиғлаётган одам баҳтли нақадар.**

\* \* \*

**Ёмғирда боладай қиқирлаб чўмилар дунё.**

\* \* \*

**Жасадимни жимжит қучиб йиғлаяпман зап.**

\* \* \*

**Во ажаб, ичимда изиллар шамол.**

\* \* \*

**Ёлғизлик уйида ёлризман тағин.**

*2012 – 2013*

## **ЧИЗГИЛАР**

Кўнглим лаҳадига кўмилган, алҳазар.  
Муттаҳам дунёга сифмаган бир одам.  
Унинг фарёдини тинглайман, о, бесар,  
У, менман жилмайиб тутгувчи мотам.

*2012*

\* \* \*

Дунё кенг, бесарҳад, бепоён осмон.  
Менга тор осмону Ер юзи.  
Ажаб,  
Вужудда сирқирар нечукдир бу жон,  
Илло, сўрамасман кимсадан нажот.

*2013*



\* \* \*

Эй гулим,  
Мен сени ташлаб кетаман,  
Гарчанд ҳаётимда борсан, дилбандим.  
Тонгда сўнаётган юлдузларсимон.  
Мен-да,  
Сўнажакман эрта кун балким.  
Қоладир ортимда сен инъом этган  
Қалбим синиқлари сочилган шеърлар.  
Гоҳ шодон,  
Гоҳ маъюс умримиз ўтган  
Қаср ҳам қулайди.  
Тўзғийди ерлар...  
Гулим,  
Сатрларим қаъридан кўзинг  
Дунёга қарайди оҳудек ҳуркак.  
Байтларим аро таралар сўзинг,  
Мени тополмай,  
лек, бўлурсан ҳалак.

2013

---

# ДОСТОИНСТВО

Ҳайратим тогларидан  
бу ёргу дунёга боқдим

---



**ҚОРА ЙОРАК**  
*Драматик дистон*

**Қатнашувчилар:**

*Биринчи толиба  
Биринчи толиб  
Иккинчи толиб  
Иккинчи толиба  
Учинчи толиб  
Тўртнинчи толиб  
Шамол*

**Биринчи манзара**

*Талабалар шаҳарчаси. Тўрт ўринли хона.  
Биринчи толиб сигарет чекиб ўтирибди.  
Эшик тақишлиайди. Хонага биринчи толиба  
киради.*

**Биринчи толиба**

*Ассалом, мумкинми?! Вой-буй, бунчалар  
Тутунга тўлмаса кичик хонангиз?  
Гўёки туманлар тўлқинида сиз,  
Қайгадир кетяпсиз кемадай сузид.*

**Биринчи толиб**

*Ҳа, мен йўлга тушдим. Биз кетаяпмиз...  
Ниятимдек оппоқ келажак сари.*

### **Биринчи толиба**

Йўқ, аччиқ тутунлар оғушидамас.  
Гўзал шеърларингиз қанотларида  
Озод қалблар сари, озод юрган сари,  
Самандар мисоли боргайсиз омон.

### **Биринчи толиб**

О, кошки... Кўксимда яримта юрак,  
Чидаб берса, олис йўлларга бардам...  
Рост айтсан, бугун ҳам санчди юрагим.  
Шу одамлар билан мана шу йўлдан,  
Наҳотки, адашмай борамиз бизлар,  
Озод юрган, озод рух, истиқболга биз?

### **Биринчи толиба**

Ишончим комилки, борамиз албат,  
«Эрк юрти» аталмиш ажиб дунёга.  
Унда гуллагайдир гўзал муҳаббат,  
Йўлимиз, умримиз тўлгай зиёга.

### **Биринчи толиб**

О, сизнинг руҳингиз баланд осмондай,  
Сизга бас келолмас ёвқур шамоллар.  
Ҳавас қилгайман мен шиддатингизни,  
Менинг кўнглим ярим синган қиличдай.  
Дунёни илк бора этган қоронғу,  
Онамнинг вафоти, жудолик йиллар.  
Сўнг эса бошимда ўйнаган ҳар зум,  
Оҳ, ўгай онамнинг синмас хивичи.

### **Биринчи толиба**

Воҳ, ўтай онангиз бунча бешафқат.  
Бемеҳр бўлмаса? Оҳ, дунё ўзи?!  
Ёш умрингизга солса зулм соясин.

### **Биринчи толиб**

Эҳ-ҳе, мен етимлик кўчаларида  
Қувилган ит каби кезганман сарсон.  
Ҳаётнинг қоронғу кечаларида  
Бўлган юрак-бағрим шудгордай яксон.  
Мактаб ётоқхонаси олган қўйнига,  
Унда болалигим топған тасалли.  
У жойни уйимдан туйганман афзал,  
Зулм, хўрликлардан яширган яна.

### **Биринчи толиба**

Шунданми, бағрингиз чатнаган, синик,  
Шунданми, кўнглингиз кўзгуси хира.

### **Биринчи толиб**

Мен қисмат дафтарин очганимча йўқ.  
Ҳамон ўтган куним қора либосда.  
Балки, шеър бўлажак умрим дафтари.

### **Биринчи толиба**

Ҳали шеър бўлиши муқаррар аниқ,  
Дунёни уйғотар сиз битган шеърлар.

**Биринчи толиб**

О, кошки, ёзолсам утли мисралар.

Тўлиққан юрагим тўкилар эди.

**Биринчи толиба**

Дунёни тутажак оташ шеърият.

**Биринчи толиб**

«Қалбга саншиб яшаш керак Шеъриятнинг  
пичоқларини».

*Шу пайт хонага иккинчи толиб киради.*

**Биринчи толиба**

Хўп, мен чиқай...

**Иккинчи толиб**

*(Қизга сүқ билан тикилиб)*

Кечирасиз, сизларни безовта қилдим.

*(Қиз индамай чиқиб кетади. Иккинчи то-  
либ биринчи толибга яқинлашиб)*

Хўпам топгансан-да пари пайкарни,  
кўзлари мисоли охунинг кўзи.

Кўкси учишга шай — икки кабутар.  
дўстим, худо берган сенга омадни.  
Суриб ол вақтида...

**Биринчи толиб**  
*(титраб)*  
Нима деяпсан,  
биласанми у ким?

**Иккинчи толиб**  
Ҳа, севгилинг-да.

**Биринчи толиб**  
Ү оппоқ келажак, озодлик қуши!  
Унга қора ният билан тикилсанг,  
мендан яхшиликни кутмагин зинҳор.

*Хонага учинчи толиб билан тўртинчи  
толиб сархуш киради. Қайдандир шамол пай-  
до бўлади.*

**Шамол**  
Гув-в, гув-в, гув-в.  
Нотинчдир бу соқов дунё,  
Гулларни чанг ютган, дарахтлар пайҳон,  
Қалбларга солгайман қўрқинчу аlam,  
Гув-в, гув-в, гув-в.  
Мен кетдим хушхон.

*Пардалар узилади, хона тўзрийди.*

### **Иккинчи толиб**

*(қувониб)*

Кимнингдир кўнглини овлаб, чоғ этиб,  
Бугун яна байрам қилибсизлар-да.  
Наҳот, сафларингдан мени ажратиб...

### **Учинчи толиб**

Бугунгиси хамир учидан патир.  
Шаҳар четидаги, ҳув, чойхонада  
Якшанбада бўлгай девзирадан ош.

### **Тўртинчи толиб**

*(Учинчи толибга қараб)*

Ўзи ҳам хўп қўли очик экан-да...

### **Учинчи толиб**

Мен сенга беш кетдим, ахир, ўйлагин,  
Ўша домлачадан «аъло» қўйдириш  
Осон бўлибдими, сенга ҳам, дўстим.

### **Иккинчи толиб**

*(Икковига қараб илжайиб)*

Бугунги майшат, якшанба ош ҳам,  
Бундан чиқди, меҳнат меваси экан.

### **Тўртинчи толиб**

Шу домлаларга ҳам ҳайронман-да, э,  
баъзи бирорлари бирор таъмагир,  
стипендияга ҳам олайтирас кўз...

### **Учинчи толиб**

Домлалар-ку, майли, маошлари кам.  
Тоғам айтиб турадар — «олар» «катталар».

### **Тўртинчи толиб**

Қаёққа қарама — қўл ювар қўлни.  
Бу бир ажиб санъат, шулдир йўлимиз.

### **Биринчи толиб**

(Жаҳҳ билан ҳаммага кўз югуртириб)  
Минг лаънат бўлсин-а бундай меҳнатга.

(*Тўртинчи толибга тикилиб*)

Сени қувиш керак бу жамиятдан.

### **Тўртинчи толиб**

(Гандираклаб биринчи толибнинг ёқасига  
ёпишади)

Менга нима дейсан? Бор, тошиングни тер.  
Яна бир чурқ этсанг, ўзингдан кўргин.

### **Биринчи толиб**

Мана сенга... мана...

(*Тўртинчи толибни уриб йиқитади*)

**Тўртинчи толиб**

Ў, ярамас ит.

(Ҳамма биринчи толибга яқинлашади)

Бўлди, бас... Нима бу... Қўйсанг-чи энди...

**Учинчи толиб**

Қўйгин энди, дўстим, мастига тенг бўлма.  
(Тўртинчи толибга)

Бас энди, сен ҳам ёт, кўп ошма ҳаддинг-дан.

(Шовқин аста тинади)

### **Иккинчи манзара**

*Биринчи толиб шеър ёзиб ўтирибди. Хонага биринчи толиба киради.*

**Биринчи толиба**

Кечирасиз, илҳом париларини  
қуш каби учириб юбормадимми?

**Биринчи толиб**

(севиниб)

Бошим гаранг эди боядан бери  
кўролмай сиз айтган илҳом парисин.  
Илтижоим худога етдими, чоғи,

*(жизни кўрсатиб)*

Ўзи кириб келди илҳом париси.

**Биринчи толиба**

О, кошкийди сизга беролсам илҳом,  
агар шеър бўлолсам, мен ёнингизда...

**Биринчи толиб**

Наҳот, билмасангиз айрим шеърларим  
ҳатто исмингизга ёзилганини.

**Биринчи толиба**

Қани ундан бўлса биттасин ўқинг,  
Ёзилмаган бўлсин, майли, исмимга.

**Биринчи толиб**

Майлими ўқисам устоз Чўлпондан?  
Кўнглим ушибу шеърни хоҳлаб турибди.

**Биринчи толиба**

Ўқинг, эшитайлик.

**Биринчи толиб**

*(Ёниб шеър ўқиуди)*

Муҳаббатнинг саройи кенг экан, йўлни  
йўқотдим-ку,  
Асрлик тош янглиғ бу хатарлик йўлда  
қотдим-ку.

**Карашма денгизин кўрдим, на нозлик  
тўлқини бордир.**

**Ҳалокат бўлғусин билмай қулочни катта  
отдим-ку.**

**Ажиб дунё экан бу ишқ дунёси аё, дўстлар.  
Бу дунё деб у дунёни баҳосиз пулга  
сотдим-ку.**

**Унинг гулзорида булбул ўқуб қон айлади  
бағрим,**

**Кўзимдан ёшни жў айлаб аламлар ичра  
ботдим-ку.**

**Қаландардек юриб дунёни кездим топмайин  
ёрии,**

**Яна кулбамга қайғулар, аламлар бирла  
қайтдим-ку.**

**Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим,  
дўстлар,**

**Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга  
ботдим-ку.**

**Биринчи толиба  
(кўзида ёш билан)**

**Бир қайноқ ҳисларга тўлди юрагим,  
Бир ажиб куйларга чулғанди бағрим.**

**Мен нечун Чўлпонни билмай ўсганман?**

Надомат бағримни нимталар энди.  
Мени бу қийноқлар энди қиймалар.  
Хей, ёлғончи мактаб, зй муаллимлар,  
Асл шеъриятни бўлмас яшириб...

### **Биринчи толиб**

(ҳаяжонлангиб)

Оҳ, асло шоирни ўлдириб бўлмас,  
эҳ, бироқ кимлардир ўтли юракни  
тупроққа кўмдилар у кун тириклай.  
Букун у юрибди қалб тўримиизда  
тириклардан тирик — яшиндай чақнаб.

### **Биринчи толиба**

(Бир дақиқа жамиликдан сўнг)

Биттасини ўқинг, ўз шеърингиздан.

### **Биринчи толиб**

(Ҳаёл суради-да, шеър ўқииди)

Юлдузлари сўнган кечада  
атрофга боқаман жовдираб.  
Хеч кимса кўринмас кўчада,  
кезаман зулматда довдираб.  
Ёмғирлар савалар бепмон,  
жунижикиб титрайди вужудим.  
Дунёга bemажол боқаман,  
сен ёнимда йўқсан, юлдузим.

### **Биринчи толиба** *(Маъюс тортаб)*

Рости, шеърингизда руҳингиз синиқ,  
шеър тушкун, негадир кураш йўқ унда...  
Менимча, чин шоир қисмати шуки,  
ҳар қандай дамда ҳам курашмоғи шарт.

### **Биринчи толиб**

Ҳа, шоир қисмати курашмоқ фақат.  
Ў, не тонг, замона билмаса ҳақни,  
Бошида кўтарса ялтоқ, маддоҳни.

### **Биринчи толиба**

Ахир, шулар билан курашмоқ керак.

### **Биринчи толиб**

Ҳа, қаттол курашдан иборат дунё.

### **Учинчи манзара**

*Шаҳар четидаги сокин чойхона. Сўрида иккинчи, учинчи ва тўртинчи толиблар қизғин сұхбатлашиб ўтиришибди.*

### **Иккинчи толиб**

Дўстларим, сенларга обдон ишониб,  
Юрагимни очсан, сотмайсизларми?

### **Учинчи толиб**

Нима деяпсан сен? Бизлар сотқинмас,  
бизлар-ку сен билан қиёматли дўст.  
Кўмак керак бўлса айтгин тортишмай,  
албат уддалармиз топиб йўлини.

Яхши биласан-ку

*(Тўртинчи толибни кўрсатиб)*

Манов ошхўрни,

бунга бир зиёфат бўлса ҳаттоки  
юлдузни уради шартта бенарвон,  
қани, айт, тортишмай юрак дардингни.

### **Иккинчи толиб**

Неча кундир нотинч менинг юрагим,  
неча кундир чўғдай тутайди бетин.  
Рости севиб қолдим...

### **Тўртинчи толиб**

Юрагинг тутатган ким бўлди ўзи?  
Керак бўлса ёрдам, айтгин тортишмай,  
ҳаттоки ўтда ҳам,  
сувда ҳам бизлар  
сен учун куйишга, чўкишга шаймиз.

### **Иккинчи толиб**

*(Бутун дунёсини беришга шай, хурсанг)*  
Киприклари узун, юzlари анор,  
дарёдай тўлғанган соchlари узун.  
Янорида холи — кулгичи ҳам бор,  
боқишлиари оҳу бир маъсума қиз.

### **Тўртинчи толиб**

*(Ҳаяжонланиб)*

Мен билиб олдим, у — шоиримизнинг  
севгилиси ахир — маъсума бир қиз!

### **Учинчи толиб**

Йўқ, йўқ, у шоирнинг севгани эмас.

Яқин суҳбатдоши бўлади, холос.

Шунчалар кузатиб ҳеч кўрмадим-ку,  
ҳаттоқи уларнинг қўл ушлашганин.

### **Тўртинчи толиб**

*(Иккинчи толибга жилмайиб)*

Ахир сен севардинг курсдош Дилдорни,  
Унииг-ла кечарди тунларинг доим.

Наҳот, уни энди гулдай эзғилаб,  
букун ўзгасини ўйласант, зрта...

### **Иккинчи толиб**

Дўстим, тушунсаиғ-чи, сен ахир бундок,  
мен уни севмасдим асли юрақдан.

У билан юрадим кўнгил хушликка.

Ва лекин у менга мос эмасди ҳеч,  
мен рози қилганман,  
сен бўл хотиржам.

### **Тўртинчи толиб**

Рост бўлса севганинг, куйиб-ёнишинг,  
буни у билурми ё қизга ҳали  
юрак очмадингми, қани, айт ростин?

### **Иккинчи толиб**

Неча бор изидан юрдим, бўлмади,  
ҳали ҳам соядай юурман, бекар...

### **Учинчи толиб**

Ҳамонки, сен севсанг, қийналса юрак,  
кармоққа балиқдай илинтиргин-да.

### **Иккинчи толиб**

Қандоқ қилиб, ахир?

Беринглар ёрдам,

Майли, эвазига тиланглар тилак.

Майли, истасанглар зўр қаҳвахона.

Ёки бирор «дода» чойхонада ош.

### **Учинчи толиб**

(Тўртминчи толибни кўрсатиб)

Агар кўнглин олсанг мана буни сен,

Орзу-армонларинг ушалгай албат.

Ҳатто бир кечада

у маъсумани

қўйнингга солиши бўладир тайин,

Кўп гувоҳ бўлганман, кўрганиман аниқ,

ўзини «юлдуз» деб юрган қизларни

неча-нечасини домлаларга у

гул каби улашиб юборганини.

**Тўртинчи толиб**  
*(Жилмайиб)*  
Бироз чиқим бўлса,  
топилар йўли.

**Иккинчи толиб**  
Ҳар қанча чиқимга мен рози, мана!  
*(Ўртага бир даста пул ташлайди)*

**Тўртинчи толиб**  
*(Ҳаммага қараб)*  
Учинчи хонада қай бир шанбада  
кимнингдир бўлади турилган куни.

*(Иккинчи толибга қўл чўзиб)*

Зиёфати сендан,  
хизмати биздан.  
Ўша кун қилурмиз кўнгилларни чор.

**Учинчи толиб**  
Аён барчамизга, шоирнинг букун  
жойланиши қай бир касалхонага.  
Лекин қиз... шоирсиз турилган кунга  
келиши кўп гумон. Мана муаммо.

**Тўртинчи толиб**  
Анави курсдошим Зумрад иккови  
сирдош дугона-ку, ўша орқали

ечилар масала, ҳал бўлар ташвиш,  
иш битар хамирдан қил суғургандек.

**Иккинчи толиб**  
Ажойиб, ажойиб.  
(Чехраси ёришиб)

Ў, бошқа гап бу!

**Учинчи толиб**  
Энди, қайси кунни қилайлик тайин?  
Ва кимники бўлсин таваллуд айём?  
Агар менга ҳеч ким бўлмаса қарши,  
Майлига, меники бўлсин «ўшал кун».

**Иккинчи толиб**  
(Ранги оқариб, ўзгариб)  
У куннинг чиқими ўзимдан бўлгач,  
ўзимники бўлсин туғилган кун ҳам.  
Хуллас, навбатдаги шанба, хонада  
нишонланар менинг туғилган куним!

**Шамол**  
Ҳув-в, ҳув-в,  
Бошиңизда эсгайман шодон,  
Кўмак керак бўлса, очгайман майдон.

## **Тўртинчи манзара**

*Хона ўртасидаги ғастурхон ноз-неъматлар билан беzaтилган. Унинг атрофида учтолиб ва икки қиз ўтиришишибди.*

### **Учинчи толиб**

*(Иккинчи толибга тикилиб)*

Жонажон дўстиму азиҳ ҳамхонам,  
туғилган кунинг-ла қутлайман сени.  
Улкан орзуларниг қанотларида  
мурод-мақсадингга етгил, илойим.  
Ва сенга тилайман чинор умрини,  
қуёшдайин кулсин баҳту иқболинг.

*(Иккинчи толиб ва бошқалар билан қадаҳ чўқишишириб ичади)*

Ҳамманги «оқ қилинг» қадаҳингизни,  
бу ҳурмат белгиси бўлур албатта.

*(Кўзи биринчи толибанинг қадаҳига тушиб)*

Ие, ие, ичмабсиз-ку, ичинг тортишмай,  
ана, дугонангиз Зумрадни қаранг...  
Ў, ахир бу шампан, қизлар учун-ку.  
Қани-қани, ичинг, қолмасин сира.

### **Биринчи толиба**

Йўқ, йўқ, ичмаганман умримда ҳали,  
Қўйинг, истамайман,  
қистаманг мени.

Шарбат... шарбат ўзи менга кифоя.

### **Иккинчи толиба**

Майлига, ичмангиз барин, бир ҳўпланг.

### **Иккинчи толиб**

Туғилган куниму ҳурматим учун,  
ичингиз оз-оздан ҳўплаб майлига.

### **Тўртинчи толиб**

(*Биринчи толибага қараб*)

Мен ҳам ичишингиз тарафдори, ҳа.  
ичсангиз кайфият кўтарилар, рост.  
Агар ичмасангиз узатинг менга,  
звазига ўйнаб берасиз-да бир.

### **Учинчи толиб**

Майли, ичмасангиз, мен бўлса, энди  
табрик учун сўзни бераман сизга.

### **Биринчи толиба**

(*Иккинчи толибга ўгиришиб*)

Қутлайман туғилган кунингиз билан,  
соғлик-саломатлик ёр бўлсин сизга.

**Ўқишишларингиз бўлсин аъло, соз,  
ниятингиз бўлсин булоқдайин пок.**

**Иккинчи толиб**

*(Хурсанг)*

Кўлингизни беринг, сиқиб қўяйин,  
ушибу сўзларингиз исботи учун  
оғина бўлса-да, ичинг шампандан.

**Биринчи толиба**

Йўқ, йўқ, майлига, мен шарбатдан ичай.

**Иккинчи толиб**

Сизнинг соғлиғингиз учун ичурман!

*(Қизнинг шарбат суви солинглан идиши  
билин чўқишишириб)*

**Иккинчи толиба**

*(Қиқирлаб)*

Бизнинг соғлиғимиз учун ҳам бўлсин...

*(Ҳаммаси чўқишишириб ичишади)*

**Иккинчи толиба**

*(Иккинчи толибга)*

Сизнинг дугонамга боқишингиз жа...

**Иккинчи толиб**

Ҳеч гап бўлгани йўқ, менинг у қизга  
қандайдир ҳурматим зиёддан зиёд.

Бир кун кези келса ёлғиз ўзига  
юрагимни тўкиб, айтурман рўй-рост.

### **Учинчи толиб**

(сармасст, магнитофонни бураб)

Келинглар, азизлар, ўйнайлик энди,  
Машҳур катта ҳофиз қўшиқларига.

(Ҳаммани ўйинга тортади)

### **Иккинчи толиба**

(Биринчи толибани тортиб)

Қўшиқнинг зўрлигин қаранг, дугона,  
Келинг, бир ўйнайлик.

### **Биринчи толиба**

Кечирасиз, йўқ,  
оҳ, нечундир кўнглим қоронғу,  
ҳеч нарса ичимни ёритмас бу дам.

### **Иккинчи толиба**

Ё, балки, шоирсиз зериккандирсиз?  
Балки юрагингиз шеър тусагандир.

### **Биринчи толиба**

Мен бугун шоирдан тингладим шеърлар,  
унга айтган эдим бул ўтиришини,  
балки ҳализамон келиб ҳам қолар.

*(Ҳамма ўйин билан бўлаб, биринчи толиб ёлғиз қолади. Бунга кўзи тушган иккинчи толиб унинг ёнига келади)*

### **Иккинчи толиб**

Кувноқ бу даврада нечундир бир сиз  
Фамгин, мотамсаро ўтирурсиз жим.  
Не бўлган, айтингиз, эшитай бир-бир.  
Дарвоқе, шоирсиз?..

### **Биринчи толиба Билмадим, ўзим...**

*(Учинчи толиб иккинчи толибани етаклашиб чиқа бошлиайди)*

### **Учинчи толиб**

Ташқарига чиқиб келурмиз бизлар.

*(Чиқиб кетишади)*

### **Тўртинчи толиб**

*(иккисига қараб)*

Икковингиз бирам гўзал турибсиз,  
гўё кинодаги ошиғу маъшук.  
Мен сизларни бир дам қолдириб ёлғиз  
тезлик-ла қайтурман.

**Биринчи толиба**  
*(Бир дақиқа ўзини йўқотиб)*  
Мен ҳам чиқурман.

**Эшик томон юради.**

**Иккинчи толиб**  
*(Унинг қўлидан тутиб)*  
Йўқ, бироз ўтиринг, ҳозир улар ҳам  
қайтиб киришади, ўтиринг, жоним.

**Қизни зўрлаб ўтқазади.**

**Биринчи толиба**  
*(асабийлашиб)*  
Ўтирдим, айтинг-да гапингиз бўлса.

**Иккинчи толиб**  
Билмассиз қанчалар севишимни сиз.  
Тунлар тушларимга кирасиз бот-бот.  
Кундуз бир дақиқа учратмай танҳо  
изҳор этолмасдим муҳаббатимни.  
Шоир билан кўрган чоғларим Сизни  
ёниб кул бўларди ташна юрагим.  
Туғилган куним ҳам,  
бу зиёфат ҳам,  
ҳаммаси сиз учун қилинган фақат.  
Гул рухсорингизга тўйишим учун,  
О, бу дам атайлаб қилинган фурсат.

**Сиз билан кечсайди мана шу туним,  
Розиман дунёни беришга, жоним!**

**Қизни қучоқлаб ўпмоқчи бўлади.**

**Биринчи толиба**

*(Уни итариб)*

Йўқолгин, ҳей, ҳайвон,  
Ким бор? Ким бор? Ким?..

**Иккинчи толиб**

*(Қизни қучоқлаб)*

Бақирманг, о, жоним,  
келинг, бир ўпай.

**Биринчи толиба**

Мана сенга, мана...

*Иккинчи толибнинг юзига бир неча марта шапати уради.*

**Иккинчи толиб**

Ҳайт, сени, энди...

*Шу пайт эшик қаттиқ тақиллаб, биринчи толибнинг овози келади.*

**Биринчи толиб**

*(Баланд овоз билан)*

Очинглар, очинглар! Ичкарида ким?

**Иккинчи толиб**  
Ҳей, шамол, шамолжон, қайдасан, шамол?  
Ёрдамга етиб кел, ёрдамга тезроқ.

**Шамол**  
Гув-в, гув-в,  
Деразани очдим, бўлақол тезроқ,  
Ўзингни улоқтири учқур елкамга.

*Биринчи толибанинг йигисини эшишиб,  
эшикни куч билан итариб, ичкарига отиласди.  
Иккинчи толиб ўзини шамолли тун қаърига  
отади. Шамол увиллайди, итлар улийди.*

**Биринчи толиб**  
Қани у, ярамас ит, ҳозир мен, ҳозир...

*Деразадан ўзини отмоқчи бўлади, бироқ  
биринчи толиба уни тутуб қолади.*

**Биринчи толиба**  
*(Йиглаб)*  
Эҳ, у, қора юрак,  
эҳ, қора ният.  
Йўқ, йўқ, етолмади ниятига у...

**Биринчи толиб**  
*(Биринчи толибани етаклаб куй оғушига)*

Юринг, кетдик ойдин келажак сари,  
Гарчи йўлимиизда ғовлар бўлса-да,  
Бизга ҳамроҳ бўлгай илҳом, садоқат,  
Юракларда барқ ургай муҳаббат, гулим!

**1979—2013 йиллар**



## ПОЛВОН

1

Турсун Али Мұҳаммад полвон ҳақинда  
шеър ёзмоқчи бўлдим.

Ўйландим узоқ.

Рости,

неча ойларки,

туйғуларим,

ҳаяжоним тинган эди қадим булоқдай.

Ўйлар тўлқинида чайқалдим қайиқдай.

Шеър ёзсам,

мадҳия

ёхуд

баён бўлишидан қўрқдим гуноҳкор боладай.

2

Беихтиёр,

хотирамнинг эскирган,

букчайган уйида

мунгли болалигим кезинди жимжит.

Теграсида тенгқур жўралар,

гурас-гурас,

“қизбола”, “қизбола”, дея,

болалигим кокилига чанг солар бургутдай.

Оҳ, алам-ла,

«Мана, мана, ўғил боламан», дея болаларга  
кўрсатар «борин».

О, болалигим,

асовланар дарёдай.

**Бармоқлари ила кокилин тортар телба мисоли.**

Унда дараҳтлардай синади тоқат.

**Адо бўлар болалик.**

... Бир саҳар.

ота-она етовида

кетди узоқ-узоқларга.

Дараҳтлар,

уйлар,

борлиқ ортда қолди югурға-югурға.

Лаҳзаларни ютган вақт

уни етаклади оқ салла ўраган тоғлар қўйнига.

Харсангларни оқизгудек

Шоҳимардонсой бўйларида

тошлардай сакради ҳайрат-ла болакай.

Ажаб,

бир хонадонда

соchlари момиқдай момо

личирлаб неларнидир — қийди бола кокилин.

Шодлиқдан болакай

тойчоқдай иришлади ўмбалоқ оша:

энди кокил йўқ,

энди кокил йўқ.

Тенгқурлари кокил устидан кулмас,

уни ҳеч ким "қизбола" демас.

Тоғлардан таралар садо — ҳайқириқ,

бola шодон кезар Шоҳимардон бўйлаб.

О, уни сеҳрлади

отнинг калласидай тошларни

боши узра,

елка узра даст отаётган,

қоядек тошларни тўптошдай ўйнаётган  
Лочин полвон қудрати,  
Лочин полвон шиддати.  
Ўша кездан бола хаёли полвонда қолди,  
полвон бўлиш орзу-қанотида  
кезинар кунлар,  
Орзу дунёсида кечар тунлар...

### 3

Қишлоқ.  
Дарахтлари солланган ҳовли.  
Сарпойчан,  
яланюоч болакай.  
Атрофин турнадай қуршаган укалари,  
тенгқур жўралари.  
Энди болакай тош кўтарар,  
калладай-калладай тошларни отар боши узра,  
тишларида кўтарар.  
тишларида отар тошларни.  
Бола тақлид айлар,  
Ҳув, ўша Лочин полвонга.  
У хаёл-ла кезинар  
полвонлар оламида,  
тушда ҳам тош кўтарар,  
тош ўйнатар.  
Унга тин бермас ҳеч  
полвон бўлиш орзуси.

Вақт сойлари шарқираб, тошиб  
 тошлар ила оқизди болакайни,  
 харсангларга урила-урила,  
 қирғокларга сурила-сурила  
 оқди тошлар қуршовида болакай.  
 Неча бор қонади бурни,  
 лат еди оёқ,  
 мажолсиз қолди қўл.  
 Ўртанди бағир,  
 болалиги оқди сағир.  
 Охир,  
 сўзларни қофиялаб,  
 пичирлади олов каби ёниб –  
 куйиб неларнидир айтди.  
 Шеърият сари ҳайқира-ҳайқира  
 сўз тўлқинларида оқди болакай.  
 Уни кимдир тинглайди,  
 уни кимдир тингламас.  
 О, шеърият тошлари,  
 полвон тошларидан оғирдир беҳад.  
 Энди,  
 юракка урилар оғир тошлар.  
 Балки,  
 синар бардошлар...

Бағрини тилкалар Сўз тошлари,  
 Қонларин симирад Сўз тошлари,  
 кўз нурларин толиктирад Сўз тошлари,  
 оромларин зирқиратар Сўз тошлари.

## 5

Тошкент.

Эски Жўва майдони.

Тош ўйнатар Турсун Али Мұҳаммад.

Аждарҳодай отар тишлари ила  
шода мисол тизилган сонсиз тошларни.

Кўкраги,

елкаси,

патдек учирар

тоғдай зил-зил тошларни.

Бармоқлари,

оёқлари коптоқдай ўйнатар  
ҳайрон тошларни.

Халойик юрагига урилар ҳайрат,

сeldай ёғилар қарсаклар.

Момақалдироқдай ўкирар олқиши.

Ларзага тушибди не-не юраклар.

Гар тошлардан нафас ростласа полвон.

қалбидан отилар Рауф Парфи сўзлари,

Мұҳаммад Юсуф шеърияти рух бахш этар  
унга.

Таскин берар Ғулом Фатҳиддин,

Яхё Тоға,

Чоршамъ,

Хумий...

Ногоҳ полвон кўзлари нур сепар менга,

сўзи ташриф буюрар менга.

Шеър ўқийман қисиниб,

қимтиниб,

ўзни йўқотыб,  
топиб ўзни.

Ўша-ўша полвон ила елкада қўллар,  
Ўша-ўша полвон ила туташдир йўллар.

6

Ўйлар гирдобинга чўқдим,  
қалқдим.

Турсун Али Муҳаммад онасин ёлғизи.  
Менинг онамдек,

Унинг онасин ҳам  
фарзаңдларин Ер ютавергач юҳодек.

Ёлғизин Оллоҳдан тилаб олган, оҳ.  
Бул шуълалар ўйнаётган дунёда турсин, дея,  
исмин Турсунали қўйган умид-ла.

Ёлғизин авайлаб,  
дуо айлаб.

Ўстирган меҳр офтоби-ла.

Полвон ҳам  
мен каби,

Авалиёлар этагига тушган ният-ла.

Тавоғ ила  
кўзга суртган Хизр тупорин,  
дилга суртган Хизр изларин.

Лочин полвон<sup>1</sup> этагида,

Лочин полвон этагида,

майдонларга тушган дуолар қанотида.

---

<sup>1</sup> Лочин полвон – шоҳимардонлик машҳур полвон.

Ўша-ўша эл полвони,  
ўша-ўша юрт шони.  
ўша-ўша...

7

Ҳайратим тоғларидан бу ёруғ дунёга боқдим,  
Кўзларимга тўқинди  
оқ яктак,  
хиром этик кийган,  
бошида қалампир нусха дўппи,  
Ёнида кийик шохидан ясанган пичоқ,  
адл қомат,  
мағрур боқаётир дунёга Турсун Али  
Муҳаммад.

У майдонда тош кўтарар,  
боши узра  
елкаси узра,  
зил-замбил тошларни уқпардай отар  
осмон-фалакка.

Ўзбек кўнглидай кенг майдонда тош кўтарар  
кафтларида кўтаргудек паҳлавон Фарғонани.

2012



---

# **ТАРЖИМАЛАР**

---

***“Хитой пейзаж  
шэърияти”  
китобидан***

---



ЧЖАН КЭЦЗЮ  
(XIII—XIV асрларда яшаган шоира)

## КҮЛДА КУЗ КУНИ

Су<sup>\*</sup> қулбаси рўпарасида  
ҳали ҳам тераклар ям-яшил.  
Олислардан тараладир най навоси.  
Хазон баргларига бурканган  
қирғоқлар бўйига  
шошилар дарёчи қайиқлар.

Пана жойга қўйдим асони.  
Қайгули қабрлар теграсида —  
қарағайнинг умрбоқий шивир-шивири...  
Маймунларнинг гўдак чинқириги мисол  
ҳасрати\*\*,  
тепамда булут.  
Куз.  
Барглар қирмизи.

---

\* Су — хитойлик машҳур қўшиқчи.

\*\* Маймунларнинг бола йигисига ўхшаш чийиллаши хитой мумтоз шеъриятида кўнгилга қайғу со-луви образ сифатида талқин этилган.

## **БАҲОР КЕЧАСИ**

Майсалар ифор таратади,  
гала-гала учадир булутлар.  
Кунботар олдидан бир қайғу...

Оҳ, баҳор!

Бор эди бир қадаҳ май,  
бор эди енгил қайиқча,  
бор эди отнинг кишнаши...

Чинқириб йирлади қушлар,  
ёмғир ёғди тунда.

Шафтологизор

Кунчиқар шамоллари эстанида  
безанган ҳарир либосидан айрилди.  
Оҳ, бир назар ташласанг-чи, азизим,  
ҳовлимиз пушти рангга қопти бурканиб.



## **КУЗ ХАЁЛЛАРИ**

Яккаш ғозларгина нимадир деб минғиллар  
муздай булутга,  
Гүё ёлғиз қақнус  
кўзгуда акс этган мисол.  
Куз шамоли  
тунлар мени қайғуга солар,  
Боиси кўра олмасман сизни.  
Биргина ўзим,  
май жомини қўлга тутгайман.  
Шам ҳам сўнаётир.  
Ёлғизман,  
Сархушман...  
Оқариб келмоқда тонг ҳам.



## **БАҲОР ОҚШОМИ**

Ёмғирнинг кулранг тутуни  
кеч томон буркади тепаликни ҳам.  
Ёрқин бўялган қайиқ  
чайқаладир шамолда.  
Сув оқмоқда,  
булутлар сузмоқда...  
Севмоқ бехуда!  
Кетган кимса ёдини унумакка  
юракда йўқ мадор!  
Оҳ, ҳаммаси ўз ўрнида қолди:  
кораялоқ новдаларда,  
эчкизмар гуллар ичра\*,  
арғимчоқ — тераклар орасида...

---

\* Эчкизмар вишиллаб чинқириши хитой мумтоз шеърниятида «ортга қайтгин» деган ёлвориш билан ассоциацияланган. Бу образ сўнгти ўрта асрларда ҳалқ орзаки ижодиётидан кўчиб ўтган.

## БАҲОР ЎЙЛАРИ

Тоғ қучогидаги пуштиранг гуллар ичида  
турғалоқ\* йиглайди,  
ўқдай учар қалдирғоч,  
ҳовлимиз тераклари устида,  
мудрайди ўрдаклар,  
кўлда эса сув сокин, кўм-кўк.  
Баҳор суст,  
Кетгиси келмас ҳеч.

Кечга яқин қалдирғоч қошимни пинҳон  
бўяйман.

Эҳтимол,  
Севгилим тушимда қайтади ёнимга  
шеърларим сеҳрига учиб.



---

\* *Турғалоқ* — какликнинг бир тури (туроч, йўрғалоқ ҳам дейилади).

## **КҮЛДА**

Бу қабристонда ётар бир қувринди...  
Гўзал Си Ши чиройи сўниб борадир.  
О, улугвор Су Ши,  
баҳорнинг ифори,  
Тўлқинлар жилоси узра  
ёрқин тушлар эсади.  
Шом ругубатидаги кўхна сарой  
теграсида жом қўнғироги,  
қадим ибодатхона кўланкаси  
туман ичра қоришиб кетар.  
ер узра гул япроқлари...  
Гўёки буларнинг бари Таеноан\*да,  
баҳор сокин шамолида кечайдек.



\* Хитойдаги қадимий шаҳар. Айни маҳалда апрел ойининг эски номи.

## **СИХУДА КУЗ КЕЧАСИ**

Қарағай — түққиз қулоч.  
Төглар  
булутлар қаърига сингди.  
Булут ортида яширинди ибодатхона,  
Фақат жом қўнрироқ жарангиги  
Етиб келар бизгача.  
Гуллар аро  
отлар дупур-дупури.  
Қувноқ кулгу шох-шабба ичра  
ва ҳамма жойда куйлашмоқда  
Пэнла ҳақида.  
Кўряпман,  
төр шом зулматига бурканган,  
Бу уйга қайтиш дегани.  
Төглар дандоналари орасида  
яройиб ой ҳалқаси,  
Ой зинданнида  
бир қиз ётган тепадан  
долчин руҳи шўнгийди пастга.

## КУЗГИ ЎЙЛАР

Маҳбубим олисларда —  
Яшма чегара заставаси\*дан нарида.  
Кумушдек нур товланар.  
Сокинлик.  
Титрамоқда бутун борлигим.  
Совуқ нилуфарларни ғужанак этди  
ва баргакларида қолдирди марварид.  
Жарчи — ғоз  
учмас ҳеч қайга.  
Мактуб ёзмоқдаман тағин сенга мен.



---

\* Яшма чегара заставаси — Қадимги Хитойдаги зинг олис чегара заставаси ва божхона ҳижрон азобига қолганлар наздида айрилиқ тимсолига айланиб кетган.

## **БАҲОР ҲАЁЛЛАРИ**

**1**

Момиқقا бурканган новдалар аро  
тун-ла какку как-кулаб чиқди.  
Ва шамол тўхтади,  
ёмрир ҳам тинди.  
Гуллаётган нок тепасида  
Ойнинг ўроғи,  
толда исирғалар —  
баҳор ўртасидир бу.  
Үйқулар сергак ва қисқа!  
Тунлар эса ҳали узундан-узун...

**2**

Кашта тикиб чарчадим,  
Игна олгим келмас қўлимга.  
барча соч қадағичларимни йўқотдим  
ва талтайиб ётибман, мана.  
Толлардаги булбуллар  
аллақачон аза очган баҳорга,  
парда ортида эса қалдирючлар рақси.  
Баҳор шамоли зўр-да,  
тарин ҳамма майсираб қолди.

## ТҮҚҚИЗИНЧИ ОЙНИНГ ТҮҚҚИЗИНЧИ КУНИДА КҮЛДА

Фарб шамоли елмоқда,  
Күл узра толлар солланар.  
Мен кўркам кийимдаман  
ва кемам ҳам роса чиройли.  
Чағалай  
сокин сув юзида мудрайди,  
парвоналар  
қовжираган гулни қуршайди...  
Май ичаман –  
ташвишу қайфуни билмаслик учун мутлақо.



## **БАҲОР ОҚШОМИ**

Аэзизим, тўшакни йиғишириб кетсанг,  
қандоқ бўлади? —  
Саросимада бир жуфт қушчалар,  
ёмрир томчилади  
ёлғиз булатдан,  
тўкилган барглар-чи, сон-саноги йўқ.  
Бунда баҳор эди,  
кетди йироқ-йироқларга у.



## **КУЗ УЙҚУСИ**

Фарб шамоли  
киндиқ қоним тўкилган тўшадан эса  
бошлади,  
унда мени кутишмоқда  
минглаб ли наридан.  
Осмон қизармоқда,  
кузги барглар мисоли,  
ғозлар қичқирав,  
ҳаёллар сархуш.  
Пальмалар, ёмғирлар,  
кузнинг узоқ уйқулари.



## **ОЙНАҚҮЛДА ТУН**

Ойнақўлнинг билур юзида  
кулоч ёйган булатлар.  
куз қирғоқларга кийдирған зар либас,  
гулларнинг сархуш соялари  
тебранади шамолда.  
Тун эса шунчалар сокин...  
тарбий ўрмон узра  
қайиқдан тарапар товушим —  
Уйрон сеҳрли уйқудан!  
Ёнаётир ой.  
Луан<sup>\*</sup> қаногида учиб бораётир  
у!



---

\* Луан — афсонавий гўзал қуш. Қақнусга ўхшаш.

## **БАҲОР ТУНИ**

Жарқалдирғоч<sup>\*</sup>лар учаётир —  
Сархуш мавсум.  
Пион гулламоқда —  
баҳор имлайди шеърга.  
Буғун эрта саҳардан ёмғир,  
Ой қўнди  
ҳовли узра.  
Музни эритади мусиқам навоси  
ҳам кўзадаги шароб безайди тунни.



---

\* Жарқалдирғоч (узунқаноти) — қуш тури.

## ОЙНАКҮЛ

Ғамгин қоялар,  
шохлардан япроқлар түкилар...  
Шеър битамиз,  
шамол каби эркин ва озод.  
Сокин бепарво булут  
Осмон бўшлиридан тикилар қайиққа.  
Сув муздек ва зилол саҳар чоқ,  
туман билан қопланган ойнинг сутранг  
ҳалқаси.  
Бизлар шароб тортамиз,  
гўё ўша авлиёлар дунёсидагидек.



## КҮЛДА

Теракзор ичра танҳо,  
раққосадек чарх ураман,  
май тўла кўзачани сипқориб,  
узала ётиб оламан.

Сархушлик тарқалгач,  
тарк этаман гуллар оламин,  
майсалар, гулбарглар орасида тўлғонаман,  
феруза ранг жомимга яна қуяман май...  
Ёмир ёғар, нок гуллаган:  
баҳор келибди.



## **БАҲОР ТУНИ**

Шам баҳорнинг  
абадий қийноғини тарқатолмас,  
шеърлар хиргойи бўлмас,  
мен ёлғизман  
ва маъюсман.  
Ўрикнинг шохлари орасида  
тиқилиб қолди ой,  
ҳам бамбуқ илдизлари остида шилдирар  
жилға.



## БАҲОР ТУГАЁТИР

Булбул ҳам товуш бермас,  
ҳам қалдирғоч қайғуда,  
оҳ, баҳор кетаётир,  
гўзал чеҳра маъюс тортади.  
Барчамизни этди майхўр  
Шарқнинг буюк ҳукмдори,  
ва баҳор шабадасидан чўчиб  
жужуб<sup>\*</sup> ҳам сас чиқармас.



---

\* Жужуб – дараҳт [хурмосимон]

## **ЮЭДАГИ ДЎСТИМГА ДАРЁДАН МАКТУБ ЁЗМОҚДАМАН**

Сўқмоқ тущда чизилгандек  
тим қора, буралар,  
дарё соҳилида ўсаётган,  
беҳисоб гуллар исмини билмайман.  
Оҳ, ёзиш менга қанчалик азоб —  
фироқдан кўнгилда қайғу!  
... Гуллар тўкилмоқда  
ва оқим узра гулбарглар сузар.



## **ЕЛПИФИЧДАГИ МИТТИ МАНЗАРА БИТИГИ**

О, қайдасан, маҳбубим?  
Хабар йўқ сендан.  
Куз ўтиб бормоқда,  
ҳам осмонда ғозлар садоси.  
Ой — ойдин.  
Бироқ кўзлар  
тўла қайғуга,  
қотиб қолган нилуфарда —  
кўз ёш — шабнам.



## **ЦЗИНЬХУА ТОҒИДА МЕҲМОНДАМАН**

Моҳли сўқмоқ узра  
қизилгул барглари ёмғири  
ва терак момиги,  
баҳорнинг шамоли новдаларда.  
Афсус, бу гал Цин Минни  
Меҳмондорчиликда ўтказдим  
ва эшитолмадим,  
тунда эчкизмарлар йиғлашганин қандай.



---

Цин Мин – хитой байрами

## **ОҚШОМГИ БАҲОР**

**Сиҳу кенгликларида  
эсади шарқ шамоли.**

**Саҳарлар**

**Гул ва толлар тепасидаги туманлар намчил.  
Зарғалдоқ йиғиси елади элас-элас,  
парвонанинг — рақс түшгиси келар.  
Афсус, арғимчоқ учарканман  
менга билдиримайин кетади баҳор.**



## **ОЙДИН ОҚШОМ МАНЗАРАСИ**

Тилла ранг зарғалдоқ  
қуюқ япроқларга беркинар,  
Сеҳрли бармоқлар остидаги  
Цитра  
тоза ва ёрқин.  
Баҳорги гуллар ёмғири  
оқшом тинди,  
Менинг кулбам узра  
ярақлади ой.



## МУНДАРИЖА

### ШЕРЛАР

«Бедапоя. Ёлизоёқ йўл» .....	4
«Шаҳар чеккасида ястанган дала» .....	5
«Сокин қишлоқ» .....	6
«Эски зонурларда қамиш шовуллар куйдай» .....	7
«Тун... Адир томонларда» .....	8
«Хайрият. чиқдинг қор остидан» .....	9
«Овозинг нақадар сулув» .....	10
«Сен юракни тинглайсан безабон» .....	11
«Оқшом сокин қанот ёймоқда» .....	12
«Сукунатзор атиргулдай портлади» .....	13
«Ташқарида юракдек дукиллар оёқ товуши» .....	14
«Борликқа бир ғаройиб туман чўккан» .....	15
«Ёрут кун» .....	16
«Куппа-кундуз ўзимни адаштирдим мен» .....	17
«Шамол игна санчар кўзимга» .....	18
Ёмғир..	19
«Зах тортган хонада ўлтиридим руҳсиз» .....	22
«Гулга кўнган капалакдек» .....	23
«Уйқум қочди...» .....	24
Сокин ҳаётимда очилган чечак .....	25
«Кеча...» .....	29
«Мени англамадинганглай олмадинг...» .....	30
«Куз ёмири ивитган дарахт каби мен...» .....	31
«Куз...» .....	32
«Дарахтлар яланроч, гўёки хипчин...» .....	33
«Совиган ҳавода қуш пати...» .....	34
Накуртда куз .....	35
«Бугун кузнинг охирги куни...» .....	42
«Шамол титкилаган ҳазонлар ичра...» .....	43
Кишлоқда қиш кўринишлари .....	45

<b>Жимгина йиглаётган одам</b>	48
<b>Чизгилар</b>	49
<b>«Эй гулим ..»</b>	50

## ДОСТОНЛАР

<b>Қора юрак</b>	52
<b>Полвон</b>	78

## ТАРЖИМАЛАР

<b>Күлда куз куни</b>	86
<b>Баҳор кечаси</b>	87
<b>Куз хаёллари</b>	88
<b>Баҳор оқшоми</b>	89
<b>Баҳор ўйлари</b>	90
<b>Күлда</b>	91
<b>Сиҳуда куз кечаси</b>	92
<b>Куэзи ўйлар</b>	93
<b>Баҳор хаёллари</b>	94
<b>Тўққизинчи ойнинг тўққизинчи кунида кўлда</b>	95
<b>Баҳор оқшоми</b>	96
<b>Куз ўйқуси</b>	97
<b>Ойнакўлда тун</b>	98
<b>Баҳор туни</b>	99
<b>Ойнакўл</b>	100
<b>Кўлда</b>	101
<b>Баҳор туни</b>	102
<b>Баҳор тугаётир</b>	103
<b>Юздаги дўстимга дарёдан мактуб ёзмоқдаман</b>	104
<b>Елпифичдаги митти манзара ёзуви</b>	105
<b>Цзинъхуа тифида меҳмондаман</b>	106
<b>Оқшомги баҳор</b>	107
<b>Ойдин оқшом манзараси</b>	108

*Агадий-бадиий нашр*

**ТУРСУН АЛИ (ЎРМОНОВ)**

**ҚУШ ПАТИ**

*Шеърлар*

*Достонлар*

*Таржималар*

**Муҳаррир**

**Гавҳар МИРЗАЕВА**

**Мусаҳҳих**

**Феруза ШОСАЙДОВА**

**Бадиий муҳаррир**

**Үйғун СОЛИХОВ**

**Компьютерда саҳифаловчи**

**Феруза БОТИРОВА**

**Техник муҳаррир**

**Сурайё АҲМЕДОВА**

**Босишга 16.01.2014 й.да рухсат этилди.**

**Бичими 70x84 1/32.**

**Босма тобоги 3.5. Шартли босма тобоги 3.81.**

**Гарнитура «Baltica Сут + Uzb». Офсет қовоз.**

**Адади 1000 нусха. Буюртма № 16.**

**Баҳоси көлишилган нархда.**

**«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.**

**Лицензия рақами: АI № 198. 2011 йил 28.08 да  
берилган.**

**«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.**

**100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.**

**Мурожаат учун т елефонлар:**

**Нашр бўлими – 278-36-89;**

**Маркетинг бўлими – 128-78-43**

**факс – 273-00-14; e-mail: yangiasravlod@mail.ru**